

## ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Темиров Набижон Солиевич**

Фарғона давлат университети “Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси, педагогика  
фанлари доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7064003>

**Аннотация.** Мақолада ўқитувчи ўзида касбий маҳоратини самарали ташиқил этишига ёрдам берадиган қобилиятларни ривожлантиришида муайян шакллардан фойдаланиши билан бирга бу жараёнда маълум методларни ҳам қўлланилиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, муаллиф педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташиқил этиши механизмларини пухта эгаллай билиши лозимлигини айтиб ўтган.

**Калит сўзлар:** инновацион ёндашув, касбий маҳорат, ривожлантириши, замонавий билимлар билан қуроллантириши, мавжуд кўникма ҳамда малакаларини такомиллаштириши, педагогик жараён.

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЙ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА

**Аннотация.** В статье рассматривается использование в этом процессе определенных методов наряду с использованием определенных форм в развитии способностей, помогающих учителю эффективно организовать свое профессиональное мастерство. Также автор упомянул, что надо уметь глубоко понимать общий характер педагогического процесса, осознавать закономерности, приобретающие в этом процессе приоритет, владеть механизмами эффективной организации педагогической деятельности.

**Ключевые слова:** инновационный подход, профессиональные навыки, развитие, вооружение современными знаниями, повышение уже имеющихся навыков и квалификации, педагогический процесс.

## IMPROVEMENT OF TECHNOLOGIES OF PROFESSIONAL SKILL DEVELOPMENT OF TEACHERS OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS BASED ON AN INNOVATIVE APPROACH

**Abstract.** The article discusses the use of certain methods in this process along with the use of certain forms in the development of abilities that help the teacher to effectively organize his professional skills. Also, the author mentioned that one should be able to deeply understand the general nature of the pedagogical process, to be aware of the laws that gain priority in this process, to master the mechanisms of effective organization of pedagogical activities.

**Keywords:** innovative approach, professional skills, development, arming with modern knowledge, improvement of existing skills and qualifications, pedagogical process.

## КИРИШ

Барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар самараси янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрларга боғлиқ. Кадрларни тайёрлаш

эса аввало, педагог-ўқитувчилар зиммасига юклатилган. Шу сабабли, чуқур билимга эга бўлган, замонавий ўқитувчи-кадрлар тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида қаралиб келинмоқда. Педагог-ўқитувчиларимиз бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби, янгиланган таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак. Педагог ходимлар ўзларининг касб-кўникмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо ўқитувчиларнинг касбий маҳоратларини миллий анъана ва урф-одатларимиздан, кадриятларимиздан келиб чиқиб янада такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятини ҳозирги замон талаблари даражасида янада такомиллаштириш учун методик қўлланмалар, тавсияномалар пайдо бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам ушбу муаммо бўйича илмий изланишлар, илмий тадқиқотлар давом этмоқда. XXI асрга келиб ўқитувчининг вазифаси янада такомиллашиб бормоқда. Эндиликда глобал ўзгаришлар, фан-техника ва ахборот-коммуникация технологияларининг кун сайин ривожланиб бориши ўқитувчидан юксак маҳоратни, ўткир иродани, психологик кувватни, чуқур билим ва мулоҳазали бўлишни талаб қилиб, такомиллаштириб боришлари шарт.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Таълим ҳозирги замон жамиятининг бош таянчи ҳисобланади. Таълим тизими информацияга айланадиган билимлар билан боғлиқ, чунки мазкур информациялар замонавий технологиялар ва ишлаб чиқариш учун ресурс сифатида хизмат қилади. Таълим ўз ичига билим ва кўникмаларни киритувчи – инсон капиталини шакллантиради. Бу ўринда таълимда инновацион ва янги педагогик технологияларни қўллашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ўқитувчиларнинг талабаларга билим беришнинг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида: – Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир, деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир.

Агар жамият маърифатли бўлса, бу жамиятнинг истиқболи, келажаги ёруғлигини англатади. Таълим берувчи таълим олувчиларга таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллаши таълим сифати ўсшига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳозирги кунда дарс давомида педагоглар янгидан янги педагогик технологиялар қўллашмоқда. Бу эса таълим олувчилар нитаълим жараёнида билимларни пухта эгаллашларига, кўникма ва малакаларининг ошишига жуда катта ёрдам беради.

Таълим ва фан соҳасига инвестицияларни йўналтириш, таълим соҳасида кенг қамровли ва чуқур ислохотлар ўтказиш, мамлакат интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этишнинг муҳим гарови ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасига алоҳида эътибор билан ёндашгани, таълим тизимида тубдан ислохотларни амалга ошириш сиёсати давлат сиёсатининг энг муҳим устувор йўналиши деб белгилангани мамалакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги муваффақиятларининг кафолати бўлиши шубҳасиз.

Олий таълим муассасалари педагогларининг касбий маҳоратлари ҳақида сўз юритишдан аввал “маҳорат” ва “педагогик маҳорат” тушунчаларининг моҳияти билан

танишиб олиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогнинг маҳорати бевосита касбий-педагогик фаолиятда кўринади. Шу сабабли у педагогик жараённинг умумий моҳиятини чуқур англай олиши, бу жараёнда устувор аҳамият касб этадиган қонуниятлардан хабардор бўлиши, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш механизмларини пухта эгаллай билиши лозим.

Таълим жараёнининг фаол иштирокчиси бўлган педагогнинг педагогик маҳорати унинг шахси, иш тажрибаси, фуқаролик мақоми, мутахассис сифатидаги мавқеи, у томонидан педагогик техниканинг етарли даражада эгалланганлиги, касбий фаолиятнинг индивидуаллигидан далолат беради.

Педагогик маҳорат яхлит тизим бўлиб, унинг таркибида бир қатор сифатлар кўзга ташланади. Жумладан:

1. Педагогик қобилият.
2. Педагогик мулоқот маданияти.
3. Педагогик реалакция.
4. Коммуникатив таъсир кўрсатиш қобилияти.
5. Педагогик такт.
6. Педагогик техника.
7. Нутқ техникаси.
8. Педагогик ижодкорлик.
9. Педагогик тажриба.
10. Педагогик маданият.

Педагогнинг касбий билимдонлигида талаба билан субъектив муносабат ўрната олиш; педагогик жараёнлар моҳияти, педагогик воқеликни изчил идрок қила билиш; жаҳон педагогик маданияти асосларини ҳамда миллий педагогик тажрибани ўрганиш, уларни интеграциялаштириш асосида ўз фаолиятига татбиқ этиш; инновацион янгиликлар билан доимий хабардор бўлиш; шахсий тажрибаларни умумлаштириш ва талабаларга узатиш; касбий фидоийлик ҳамда педагогик технологияларни эгаллаш борасидаги ўзлаштирилганлиги намоён бўлади.

Ўқитувчи ўзида касбий фаолиятни самарали ташкил этишга ёрдам берадиган қобилиятларни ривожлантиришда муайян шакллардан фойдаланиш билан бирга бу жараёнда маълум методларни ҳам қўллаш орқали мақсадга эришади.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Бугунги кунда педагогларнинг инновацион фаолият кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Педагоглар томонидан иннофацион фаолият кўникма, малакаларини ўзлаштира олишларида уларнинг инновацион ёндашувга эга бўлишлари талаб этилади. Ўз моҳиятига кўра педагоглар томонидан инновацион фаолият кўникма, малакаларининг ўзлаштирилиши уларда инновацион ёндашувни қарор топиши асосида кечади. Педагогларда инновацион ёндашувнинг қарор топиши ҳам мураккаб жараён бўлиб, у бир неча босқичда кечади:

1. Тайёр методик тавсиянома инновацияларда нфойдаланилади.
2. Мавжуд тизимга янги ғояларни, методларни киритади.
3. Янги ғояни амалга ошириш мазмуни, шакл ва методларини тизимлаштиради.
4. Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади.

Демак, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим

тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизимининг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда рўй беради. Босқичлар муаммони таҳлил асосида аниқлаш мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш ўзгаришларни амалга оширишдан иборат.

Педагог ўқитиш ва тарбиялашга оид ўз концепцияси ёки методикасини яратади таълим амалиётида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади. Педагогик инновациялар педагогик фаолиятга янгиликларнинг изчил олиб кирилишини тавсифлайди. Педагогик инновацияларнинг дидактик имкониятларига кўра таълим тизими ва жараёни ривожланиб боради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға ундовчи, бунёдкорликка рағбатлантирувчи куч сифатида намоён бўлиб, таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шу сабабли ҳар бир ўқитувчи инновацияларнинг моҳиятини тўла тушунган ҳолда ўз фаолиятига изчил татбиқ эта олиши зарур.

## **МУҲОКАМА**

Касбий-педагогик компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади. Бугунги кунда ижодкорлик, яратувчанлик, янгилик яратишга қаратилган фаолият креатив фаолият деб тушунилади.

Муайян фаолиятни доимий равишда ташкил этиш шахсда маълум кўникмаларни ҳосил қилади. Кўникмалар эса фаолиятни изчил давом эттириш жараёнида малакаларга айланади. Шаклланган малака эса шахс томонидан фаолиятнинг тезкор, сифатли, самарали кечишини таъминлайди. Фаолиятда самарадорликка эришиш инсониятни қай даражада қизиқтириб келган бўлса, уни ташкил этаётган шахснинг касбий ривожланиши орқали малакага эга бўлиши ҳам шундай долзарблик касб этган. Касбий малакага эга бўлиш ижтимоий, шу билан бирга шахсий аҳамиятга эгадир. Шу сабабли кадрларнинг касбий малакаларини ривожлантириш таълим тизимининг муҳим йўналиши бўлиб келган. Малака ва касбий ривожланиш, аввало, махсус билим, сўнгра ўзоқ вақт қайта-қайта такрорланадиган машқлар туфайли эгалланадиган тажриба ва кўникмаларнинг онгли равишда ақл-идрок ҳамда тафаккур чиғириғидан ўтказилган ҳолда мужассамлашуви ҳисобланади. Демак, ривожлантирувчи таълим технологиялари бир вақтнинг ўзида ўқитувчи фаолиятида ва ўқувчи физиологиясида ҳам содир бўлади.

Касб маҳоратига ва малакага эга бўлмаган педагоглар ёш авлодга сифатли таълим бериш, уларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш имкониятига эга бўлмайдилар. Ўқитувчиларнинг малакасини оширишни, энг аввало, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, мавжуд кўникма ҳамда малакаларини такомиллаштириш, шунингдек, маънавий-ахлоқий сифатларини бойитиш сифатида тушуниш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда руй бераётган тезкор ўзгаришлар мавжуд билимларни доимий равишда бойитиб бориш, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришни тақозо этади. Шу сабабли ҳар бир мутахассис ўз устида ишлаши, билим ва малакаларини узлуксиз ошириб бориши лозим.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир педагогнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва ўзини ўзи намоён эта олиши бевосита унинг касбий маҳоратига эгаллиги билан боғлиқ. Одатда педагогларнинг касбий маҳоратга эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий-тадқиқот ишлари ёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади.

## REFERENCES

1. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б. 2.
2. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: Фан ва техлогиялар нашриёти, 2011. – 275 б.
3. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари. – Т.: Фан, 2006. – 247 б.
4. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. –Т., 2016.
5. Umaraliyeva M.A. Organizational-Pedagogical Conditions of Forming Professional Competence of Teachers//Journal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics.2015. –P. 187.
6. Умаралиева М.А.Инновацион таълим– ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида//Барқарор ривожланишда узлуксиз таълим: муаммо ва ечимлар// Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.– Чирчиқ, 2019. – Б. 296-297.
7. Мусахоновна Қ. Л. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДА ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АСОСЛАРИ //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В3. – С. 577-585.
8. Dzhuraev R. K., Karakhanova L. M. Model of the organization of research activities of 10th grade students in teaching physics and biology //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 01. – С. 296-300.
9. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.
10. Musokhonovna K. L. ICT-As a means of achieving new educational results in teaching natural disciplines in secondary schools //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 10. – С. 315-321.
11. Kharaxonova L. M. SPECIFIC ASPECTS OF MEDIA EDUCATION AND ITS USE IN HIGH SCHOOLS //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 278-284.
12. Караханова Л. 6. DEVELOPMENT OF STUDENTS'KNOWLEDGE BASED ON THE USE OF 3D EDUCATIONAL TECHNOLOGIES IN THE BIOLOGY EDUCATION //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2020. – №. 2. – С. 55-59.

13. Джураев Р. Х., Карахонова Л. М. Медиаобразование как фактор повышения качества обучения школьников //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2013. – Т. 11. – №. 2. – С. 322-323.
14. Сафарова Р. Г. и др. Ўқувчи-ёшларни оммавий маданият хуружларидан химоя қилишнинг назарий-методологик асослари. – 2017.
15. Karakhanova L. M. USE OF MEDIERE RESOURCES IN THE EDUCATIONAL PROCESS OF BIOLOGY IN SCHOOLS //International Scientific Review of the problems of pedagogy and psychology. – 2018. – С. 68-70.
16. Karakhonova L. M. Using the electronic educational resources in biology lessons //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS OF PHILISOPHY, PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY. – 2019. – С. 35-39.
17. Jurayev, R. K., & Karakhanova, L. M. (2020). Scientific And Methodical Bases Of The Use Of Electronic Educational Resources In Teaching Biology In General Educational Schools. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(8), 3500-3505.
18. Musaxonovna, K. L. (2022). General secondary schools requirements for the introduction of informed educational resources for the development of natural sciences. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(5), 855-860.
19. Караханова Л. М. НОВЫЕ ИНТЕРАКТИВНЫЕ ЭЛЕКТРОННЫЕ РЕСУРСЫ В СОВРЕМЕННОМ ОТКРЫТОМ ОБРАЗОВАНИИ В ОБУЧЕНИИ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 1. – С. 1303-1305.
20. Джураев, Р. Х., & Карахонова, Л. М. (2022). ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ СОПРОВОЖДЕНИЕ ОДАРЕННЫХ ДЕТЕЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ УЧРЕЖДЕНИЯМИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(4), 66-70.
21. ДЖУРАЕВ Р. Х., КАРАХАНОВА Л. М. Модель организации исследовательской деятельности учащихся 10 классов при преподавании физики и биологии //International journal of discourse on Innovation, integration and education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 295-299.